
Фурқат туманида Наврўзи олам тантана қилинди

Шу кунларда янгилиниш, яшариш ва гўзаллик байрами, дея ном олган, ҳар биримизнинг кўнглимизга баҳорий илиқлик ҳамда гўзалликни олиб кираётган севимли айёмимиз – Наврўз туфайли табиат чирой очмоқда.

Бугун туманимиздаги марказий ўйингоҳда "Олам нурга тўлсин сен билан Наврўз!" шиори остида асосий байрам тадбири юқори савияда ташкил этилди.

Байрам шодиёналари ўтказилган марказий ўйингоҳда миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни ўзида мужассам этган Наврўз айёми муносабати билан оммавий байрам сайли ташкил этилди. Намойиш этилган ҳунармандчилик маҳсулотлари, миллий либослар, шунингдек, миллий ва баҳорий таомлар кўргазмалари юртимиздаги тўкинлик, файзу бараканинг нишонаси бўлди.

Тадбирни туман ҳоқими Жаҳонгир Жуманов табрик сўзи билан очди. Барчани халқимизнинг қадим ва навқирон байрами – Наврўзи олам билан муборақбод этди. Наврўз байрами арафасида ҳудудларда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ижтимоий кўмакка муҳтож кам таъминланган, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, меҳр ва эътибор кўрсатилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, минг йиллар давомида маънавий ҳаётимизнинг кўрку-зийнати бўлиб келаётган бу ажойиб, ҳосиятли байрам бугун қалбларимизга яна чексиз қувонч ва завқ бағишламоқда.

Байрам тадбири давомида Яҳёбек Мўминов, Тоҳир Маҳкамов, Отабек Муҳуммадзоҳид ҳамда сўз устаси Элмурод Хақназаров сингари санъаткорларнинг ташрифи ва ижро этган қўшиқлари-ю ҳазиллари тадбир иштирокчиларига чинакам байрам кайфиятини улашди.

Бундан ташқари туман Маданият бўлими ижодкор ва санъаткорлари томонидан тайёрланган адабий-муסיқий дастур йиғилганларга ҳавола этилди.

Буларнинг барчаси бу йилги Наврўз байрамининг янада файзли ва шукуҳли ўтишини таъминлади. Байрам тантаналари маҳаллаларда, ташкилот ва меҳнат жамоаларида давом этади.











2024-03-16 17:28:04